



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 апрел, шанба №47 (879)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзининг ноёб экспонатлари билан республика музейлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи халқро музейлар кенгаши аъзоси бўлди. Музейда инсоният тараққиёти бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳисада археологик қазилмалар даврида топилган неондартал одам бош суяги, қадимий мусиқа асбоби, зардўштийлик ва буддавийликка оид қадимий буюмлар ҳамда бошқа кўплаб осори-атикалар сақланади. Айни пайтда ундан воҳанинг ўзига хос бой наботот ва ҳайвонот оламини ифодаловчи кўплаб экспонатлар ҳам ўрин олган. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи арафасида музей заллари томошабинлар билан янада гавжумлашмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қошидаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссия ҳамда парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг кўшма мажлиси бўлди.

Мажлисида 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодексининг турли мuddатларга озодликдан маҳрум этилганларни ижтимоий ҳаётда қўллаш бўйича тадбирларни амалга ошириш масалалари муҳофазасида бўлиши таъминлашга ёрдам берувчи моддалар билан тўлдириш, шунингдек, давлатимизнинг халқро ҳамжамият олдида жазо мuddатини ўтаётганлар ҳуқуқини таъминлаш бўйича олган мажбуриятни бажариш зарурлигини қайд этди.

Омбудсман фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳаёт «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Омбудсман/ тўғрисида» йиғини таъминлашга ёрдам берувчи моддалар билан тўлдириш, шунингдек, давлатимизнинг халқро ҳамжамият олдида жазо мuddатини ўтаётганлар ҳуқуқини таъминлаш бўйича олган мажбуриятни бажариш зарурлигини қайд этди.

Мажлисида вояга етмаган жиноятчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларни меҳнатга жалб этиш ва ўқитиш масалаларига жиддий эътибор қaratилди. Бу - Ўзбекистонда Соғлом авлод йили деб эълон қилинган йилда алоҳида аҳамият касб этади.

Мажлисида Комиссия ва Олий Мажлис Кўмиталари аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг, суд тизими, ҳуқуқни муҳофазасида бўлиш органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ва яна бир қанча ноҳукумат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маърузаларда қайд этилганидек, мамлакатимизда жазо мuddатини ўтаётган шахсларга тегишли шарт-шароит яратиш, уларни тарбия-

лаш, меҳнат қилиш ва билим олиш ҳуқуқини таъминлаш, жазо мuddатини ўташ жойларидан озод этилгандан сўнг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва мослаштиришга ёрдам берувчи моддалар билан тўлдириш, шунингдек, давлатимизнинг халқро ҳамжамият олдида жазо мuddатини ўтаётганлар ҳуқуқини таъминлаш бўйича олган мажбуриятни бажариш зарурлигини қайд этди.

Омбудсман фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳаёт «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Омбудсман/ тўғрисида» йиғини таъминлашга ёрдам берувчи моддалар билан тўлдириш, шунингдек, давлатимизнинг халқро ҳамжамият олдида жазо мuddатини ўтаётганлар ҳуқуқини таъминлаш бўйича олган мажбуриятни бажариш зарурлигини қайд этди.

Мажлисида вояга етмаган жиноятчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларни меҳнатга жалб этиш ва ўқитиш масалаларига жиддий эътибор қaratилди. Бу - Ўзбекистонда Соғлом авлод йили деб эълон қилинган йилда алоҳида аҳамият касб этади.

(ЎЗА).

Хўжалик ҳаёт нафаси

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Олмалик шаҳрида «Ташаббус-99» кўрик-танловининг Тошкент вилоят тенг бўлган янги технология маҳсулот сифатини яхшилаш, турини кўпайтириш имконини берди. Чиройли қадоқланган бу маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда.

ЧЎПОН «ТИКО»ЛИ БЎЛДИ

Муборак туманидаги «Муборак» қорақўлчилик-наслчилик хўжалиги нафақат Қашқадарёда, балки мамлакатимизда йирик чорвачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Шу кунларда хўжаликда кўзилаштириш маъмури муваффақиятли якунланмоқда. Яқинда 2-ферма бош чўпони Ислом Оймаматов меҳнатда эришган катта муваффақиятлари учун вилоят ҳокимлиги томонидан «Тико» энгил автомашинаси билан мукофотланди. Бош чўпонлар - Чори Норбоев, Ражаббой Жумаев, Чўли Қулиев, Нормурод Отаниёзов, Афғон Эргашев ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙДИ

«Термизон» ҳиссдорлик жамиятида Европа иттифоқи ТАСИС дастурининг амалий алоқалар маркази ёрдамида Италиядан келтирилган жиддий ўрнатилиб, 5 турдаги макарон ва 7 турдаги печенье маҳсу-

лотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Умумий қиймати 454 минг АҚШ долларига тенг бўлган янги технология маҳсулот сифатини яхшилаш, турини кўпайтириш имконини берди. Чиройли қадоқланган бу маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда.

Касаба уюшмалари бозор широклида

Гулистондаги наслчилик-паррандачилик ҳиссдорлик жамиятининг бугунги иқтисодий салоҳиятини, унинг ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси билан рақобат қила олиш имкониятлари чексиз бўлишини ўша кезларда ким ҳам ҳаёлига келтирибди, дейсиз. Чунки бундан аттиги олти йил аввал фабриканинг фақат номингина сақланиб қолгани, холос. Товуқхоналар нураб туғган, жамоа тасарруфидоги экин майдонларни эса шўр босиб улгурган, ишчилар ўз вақтида меҳнат ҳақини ололмади, ҳар ёққа тарқалиб кетганди. Шу тариқа ҳайҳотдай корхона гарданидаги ўн тўрт миллион сўм қарз билан хувиллаб қолди.

Сабоби аён. Ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг қўлланилмагани ва етиштирилган маҳсулот таннархининг режадагидан уч хисса ортиб кетганиги, энг муҳими, бозор иқтисоди шароитида ишчилар қилган меҳнатига яраша рағбатлантирилмаганиги корхонани инкирозга уратди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Янги келган раҳбар ишни аввал касаба уюшмасини тузиб, унинг маънавий оширишдан, ана шу ташкилот орқали ишчиларни тўғлаб, ҳамкорликда фаолият кўрсатишдан бошлади. Дастлаб 28 нафар кишилик жамоа билан 20 га яқин бинолар тўла таъмирланди, яроқсиз ҳолга келиб қолган техниклар юргизилди ва тасарруфдоги 55 гектар экин майдонига ишлов берилиб, озуқабоп маҳсулотлар экилди. Цехлар, қувурлар тозаланиб, парранда боқишга ихтисослаштирилди. Касаба уюшмаси ҳам қараб турмади. Ўзининг истиқболли дастурини тузиб олди. Қарзлар ундирилиб, ишчиларнинг моддий аҳолини яхшилашга, уларни ойма-ой маош билан таъминлашга, байрамларда моддий рағбатлантириш ва бепул дам олишни ташкил қилишга эътибор қaratилди.

Савий-ҳаракатлар зое кетмади. Ўн миллион сўмга яқин соф даромад билан йил якунида. Ишлаб чиқариш ва аҳолини парhezоб маҳсулотлар билан таъминлаш борасида ҳам режалар ортиғи билан удаланди. Изланиш, ташаббускорликка кенг йўл очилгач, фабрика юз фоиз қувват билан ишлаб бошлади. Биринчи йиллик 190 минг парранда сақлашга эришилди. Бу — йиллик режада қўзда тутилган 50 тонна парhez гўшти етиштириш ўрнига ярим йилдаёқ 58 тонна, 3,5 миллион дона тухум ўрнига, 4 миллион дона лўқмаи ҳалол ишлаб чиқариш имкониятини берди.

Энг эътиборлиси, етиштирилган маҳсулотнинг таннархи режадагидан анча арзонга тушди. Чунончи, бир дона тухумни тайёрлашга кетадиган сарф-харажат ўртача 11 сўм 73 тиинг белгиланган бўлса, сарҳисобда 9 сўм 25 тиингга, парhez гўшти эса янада арзонга тушганлиги корхонанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлади.

Маблагни-ку ишлаб топса бўлади, лекин унинг сарф-харажати қай аҳволда, деган саволнинг туғилиши табиий. Айнан ана шу харажатлар масаласида касаба уюшмаси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Даромадининг бир қисми ишчиларни моддий рағбатлантиришдан ташқари, ногиронлар, қарамоғида ҳеч қимми бўлмаган кишиларга ёрдам бериш, нафақага чиқётганларга ўн ойлик миқдоридоги пул мукофотларини жорий этишга, жамоада меҳнат қилаётган кишилар фарзандларининг ёзги дам олишини таъминлашга, шулар қаторида ҳар йили ишчилардан 25 нафарига республикамиздаги турли санатория ва профилакторияларга бепул дам олишга йўналтирилди.

Бундан бир неча йил илгари фақат аъзолик бадали тўплашу, йигилишларда баённома тўлдиришдан бошқа нарсага қурби етмаган касаба уюшмаси кўмитасига энди одамлар меҳр қўйди, унинг таркибига жиспашди, ҳар бир ишда, ҳар қандай масалада касаба уюшмаси билан маслаҳатлашадиган бўлди, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда, қонунлар доирасидаги ишларда касаба уюшмасига таянди.

Наслчилик-паррандачилик ҳиссдорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитасида яна бир ташаббусга қўл урилди. Касаба уюшмаси ҳамда фабрика раҳбари фикрлашиб, ҳар бир жамоа хўжалигида паррандачилик ташкил этиш тақлифини мутахассислар олдиға кўндаланг қўйилди.

Самараси чакки эмас. Айни пайтда вилоятдаги барча хўжалик шартнома асосида бу ердан товўқ олиб парвариллашпти. Эндиликда бу ҳам иқтисодий тежамкорликка, ҳам хўжаликда ишчиларни иссиқ овқат билан доимий таъминлаш омилларидан бириға айланди.

Кези келганда яна бир гапни айтмоқчимиз. Вилоятнинг барча тумани билан истиқболли шартномалар тузилиб, савдо шаҳобчалари очилган. Бундан ташқари аҳолиға арзонлаштирилган нархларда хизмат кўрсатиш мақсадида «Савдо» фермаси, кафе, Гулистон шаҳар деҳқон бозоридоги грилбар ва пахрез маҳсулотлари сотишга ихтисослашган савдо тармоғи ишлаб турибди. Бу вилотдаги барча хўжаликнинг ривожлантирилганлиги натижасида ишчиларнинг олди 20 минг сўмга, ўртача иш ҳақи эса 10 минг сўмни ташкил этаватпти.

Ўтган йил якуниға назар ташланганидан бўлса, аввало тармоқда иқтисодий тежамкорлик қилинганлиги, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида рентабеллик даражасининг ортанлиги ва маҳсулот таннархи нисбатан арзонлашганлиги, аҳоли жон бошиға парhezоб маҳсулот етказиб бериш бир неча фоизға ортанлиги яққол кўзға ташланади.

Энг муҳими одамлар шуурда юртга, Ватанға, ишлаб чиқаришга муносабатининг ўзгарганлиги ҳамда ишбилармонликнинг қарор топиб, мулкка муносабат ўзгармоқда. Жамоадаги ҳар бир ишчи-хизматчи корхона мулкига ўз шахсий мулкидо қаради, уни асраб-авайлайди, чўнки корхона раванқидан у ҳам манфаатдор.

Жамоа ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва аҳолиға сифатли маҳсулот етказиб бериш қаторида, наслчиликнинг ривожлантиришга ҳам эътибор бериб келаяпти. Кейинги йилларда бу соҳада илгор тажрибалар тўпланди ва республикада соҳа мутахассислари эътиборига тушди. Шу боис, ҳозирги кунда паррандачиликка ихтисослашган кўплаб корхоналар Гулистон наслчилик-паррандачилик корхонаси билан шартнома тузган. Қамаш, Термиз, Шаҳрисабз, Сароисиё туманларида жойлашган паррандачилик фабрикалари шулар жумласидан.

Жамоанин жорий йил режалари ҳам чакки эмас. Чет эллик сармождорларни кўпроқ жалб этиш, ишлаб чиқарилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишчиларға яратилаётган шарт-шароити янада кенгайтириш ва уллар манфаатдорлигини таъминлаш ҳамон асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Дарвоқе, 28 киши билан иш бошлаган корхонада ҳозир 250 нафардан эъид киши меҳнат қилаятти. Бугун уларнинг ҳар бири бажараётган ишдан мамнун.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч»нинг махсус муҳбири.

2000 йил - Соғлом авлод йили

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев республика мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган конкурс натижаларини якунлаб, ана шундай қарор қабул қилинганлигини эълон қилди. Энди ғолиблар мамлакатимиз турли олий ўқув юрларида ўзлари севган мутахассисликни эгаллаш учун таълим олиш имконига эга бўлишди. Шубҳасиз, мустақилликка эришгач, ёшларимиз истиқболига кенг йўл очилди. Улар талабалikka имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



20 та фан бўйича ўтказилган олимпиадада юртимизнинг 250 нафардан ортиқ ўқувчилари иштирок этди. Айтиш керакки, улар ўзларининг ота-боболари яратган маънавий дунёни янги кашфиётлар билан бойитишга ҳаракат қилдилар. Чунончи, ақл ва донишмандлик соҳасида неқибн қобилиятларини кўрсата олган Абу Али ибн Сино, Беруний, Улугбек, Навоий каби аждодлари иштини ривожлантиришга чинакамига бел боғлаганликлари яққол кўринди. Айниқса, олтин медаллар шодасини (9 та) қўлга киритган бухороликлар аждодларға ҳақиқий ворис эканликларини намойиш этишди. Пойтахтлик ва Фаргона вилоятидан таширф буюрганлар 6 та, Навоий, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон вакиллари 5 та, қолган бошқа ҳудуд ўқувчилари эса 4 тадан 2 тагача олтин медал олишға эришдилар.

Суратда: Фарғоналик олтин медал соҳиблари - Раҳимжон Содиқов, Ҳамиджон Мельников ҳамда Абдуқаҳор Раҳимовлар.

Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбарияти халқимизға хизмат кўрсатаётган жамоат транспорт ишини янада яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалға оширмоқда. Юртимиздаги жамоат транспорт корхоналари энг замонавий автобуслар, энгил машиналар, «Шкода», «Татра» каби троллейбус ва трамвайлар билан таъминланмоқда. Қатор янги қатнов йўналишлари фойдаланишға топширилмоқда. Яқин келажақда метронинг Юнусобод йўналиши ҳам ишға тушади.

Кунига фақат «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси тизимида ойлик, йиллик маблаг тўшумлари режасининг тўлиқ бажарилишини хавф остига қўйиб, молиявий хижатдан

ранс» давлат уюшмаси тизимида ойлик, йиллик маблаг тўшумлари режасининг тўлиқ бажарилишини хавф остига қўйиб, молиявий хижатдан

зарар етказаетганликлари тезда аниқланди. Уюшма раҳбарияти, инженер-техник ходимлари, назоратчиларининг 4-автокорхонада ўтказилган йиғилишида бундай қаллоблик иллатига қарши мурасасиз бўлишға келишиб олинди.

Қалбаки йўл чипталарини «ишлаб чиқариб» сотаетганларға қарши курашда Тошкент шаҳар ички ишлар бош қармаси тасарруфидоги тегишли ташкилотларнинг тажрибали ходимлари ҳам яқиндан кўмаклашишди. Тезкор милиция ходимлари олиб борган тадбирлар натижасида Ўзбекистон Ҳаво йўллари компаниясида диспетчер бўлиб ишловчилар,

Фарғонада Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Миллий ғоя ва миллий мафкура» келажақ йўли» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

АМАЛИЙ АНЖУМАН

Унда сўзға чиққанлар ёшлар онгида миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ишларини янада кучайтириш, диний экстремизмға қарши кураш, жаҳолатға қарши маърифат билан курашда жамоатчилик олдида турган вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Анжуман қатнашчилари вилоятнинг Олтиариқ, Фарғона туманлари ва Қувасой шаҳарида бўлиб, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида маънавият ва маърифат йўналишида амалға оширилаётган ишлар билан танишди.

Иснод
1962 йилда туғилган тошкентлик фуқаролар Сергей Говшов, Александр Себостьянов ҳамда уларнинг ҳамтовоқларини қўлга туширишда таж-

ларини олдилар. Қаллоб Сергей, Владимир Говшов, Александр Себостьянов ҳамда уларнинг ҳамтовоқларини қўлга туширишда таж-

рибали зобитлардан Фуркат Каримов, Ботир Алиевлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Ҳозирги вақтда ҳам шаҳар ИИБСИ томонидан қаллоб-жаноатчиларни аниқлаб қўлга олиш борасида кенг қўламда тезкор қидирув ишлари олиб боришмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси жамоатчи назоратчилари ва тезкор милиция томонидан уюштирилган тезкор харақатлар натижасида қўлга тушиб тортиб олинган айрим қалбаки хўжатлар ва чипталар эгалариға шарҳ бериб ўтишни ўринли деб ўйлаймиз. Лев Заикин, Юрий Шиманский номлари ёзилган 000365 рақамли уруш қатнашчилариға бе-

ларда топиб тугатадилар, — дейди Тошкент шаҳар ИИБСИ бошлигининг биринчи ўринбосари милиция полковниги Валжон Томатов.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган 1999 йил давомида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқаруви ходимлари (хизматчилар, инженер-техник ходимлар), уюшма тизимидаги транспорт корхоналарининг ҳайдовчи ва кондукторлари ўз қуллари билан 914 та қалбаки чипталарни, муҳлати ўтиб кетган бўлса ҳам «тиғиз пайтда» фойдаланилган 18714 та эски ойлик чипталарни, жамоат транспортда бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган алданган шубҳали «Кизил гувоҳномалар»дан 12252 донасини тортиб олган эдилар. Мана шу ҳолатлардан бир йил давомида қўрилган таъминий зарар 171 миллион 628 минг сўмни ташкил этган эди. Қўрилган чоратадбирлар туфайли бу йил ана шу иллатнинг олди олинди.

Малик НУРИДИНОВ, журналист.

СОХТА «НОГИРОЧ»ЛАР

Жамоа шартномаси амалда

Келишув ва жамоа шартномалари ишловчиларни ижтимоий ҳамда қонуний ҳимоялашнинг энг ишончли дастуридир. Агар бугунги кун нуқтаи назардан сўз юритишда бўлса, ҳозирга келиб Наманган вилоятида қасаба уюшма ташкилотларида 2000 йил учун жамоа шартномалари ва келишувлар тузилди. Аниқроғи, 2985 та жамоа шартномаси имзоланиб, 4908 та юридик шахс ҳуқуқини олган корхона ва ташкилотларга татбиқ этилди. Шу билан бирга бу ташкилотларда ўтказилган йиғилишларда 1999 йилда тузилган жамоа шартномаларида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганиб чиқилиб, муҳокамга қўйилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири.

Бинобарин, меҳнат кашларнинг маънавий ва маърифий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кутубхоналарнинг фондлари замонавий руҳидаги янги китоблар билан бойитилмоқда. Шу йўналишчи марали меҳнат учун мукофотлаш ва рағбатлантириш шулар жумласидандир. Бу ерда 60 ўринли тиббий-санитария қисми, 100 ўринли «Нурчи» дам олиш маскани, 75 ўринли «Энергетик» санаторий-профилаторий ишлаб турибди. Дикқатга сазовор томони шуки, ҳар бир ишловчи жамоа шартномаси шарофати билан корхонадан 90 минг сўмлик манфаат кўрган «Наманганконсерва» ҳиссадорлик жамияти корхоналарида ишловчи хотин-қизлар иш ҳақига 10 фоиз устама тўлов жорий қилинди. «Намангангаз» бошқармаси жамоа шартномасига асосан «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Нуроний» жамағатига 110 минг сўм пул ўтказиб берди.

ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДАСТУРИ

Вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган вилоят ҳудудий келишуви мажбуриятларини бажара бориб кам таъминланган оилаларга 221,6 млн. сўм, 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга 2 миллиард 277 млн. сўм, 2 ёшгача фарзандини парваришлаган аёлларга 1 миллиард 210 млн. сўм нафақа пуллари ўзини ўзи бошқариш маҳалла кўмиталари орқали тарқатди. Моддий ёрдам ва нафақаларни белгилаш комиссиялари таркибига қасаба уюшмаларининг фаоллари ҳам киритилган. Улар кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза этишда маҳалла кўмиталарига фаол кўмаклашмоқда.

Вилоят ва туман ҳокимликлари билан тузилган шартнома-кўра, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 516 км. газ, 148 км. ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Бир сменада 825 беморга ташвиш қўя оладиган қишлоқ-шифокорлик пунктлари, 3009 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, аҳоли маблағи ва кучи ҳисобига 523 минг кв. метр ҳажмида уй-жойлар қурилади фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жамоа шартномалари ва ҳудудий келишувларга мувофиқ вилоятда 60379 та, шундан 53234 таси қишлоқ жойларида янги иш ўринлари барпо этилди. Инвестиция фаолияти ҳам кучайтирилмоқда. Ишчи-хизматчиларни иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида Уйчи йиғирув-тикув ва Ҳаққулобод йиғирув-тикув ҳиссадорлик жамиятларини чет эл сармояси ҳисобига қайта жиҳозлаш юзасидан тендер танловлари ўтказилди. Унда Германиянинг «Унионмакс» ва «Текспроект» фирмалари ғолиб деб топилди. Бу корхоналар қайта жиҳозлангандан сўнг иш ўринлари янади қўлаяди. Ҳозирда 14201 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Янги қурилган «Поп Фен» ва «Косоний-Техмен» ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналарида асосан хотин-қизлар ишламоқда.

ларда улар учун маҳаллий бюджетдан зарур миқдорда маблағлар ажратилди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида бадий ҳаваскорлик дасталари тузилиб, уларнинг оммавий чикишлари уюштирилмоқда. «Ўзбекистон — Ватаним меним», «Балли, қизлар», «Нафосат», «Оилавий аъёнлар», «Тадбиркор аёл» каби кўрик-танловлар, учрашувлар уюштирилди.

Шу ўринда шартнома ва унинг мажбуриятларини бажаришда алоҳида алоҳида намуна бўлаётган ташкилотлар ҳақида тўхталиб лозим. Вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажаришда алоҳида тадбирларни амалга оширмоқда. Корхона ҳодимлари га қасб маҳорати ва мураббийчилик учун иш ҳақига устамалар жорий этилди. Ишчи-хизматчилар ошхонасида овқатланадиганлар учун қўшма пул берилмоқда. Жамоа шартномасига кўра кўп йиллик хизматлари учун тақдирлаш, таътилга чиқариш қўшма тўловлар, моддий ёрдам, байрам саналарида бир марталик тўловлар, сар-

Азамат ФАЁЗОВ, Наманган вилояти қасаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясига бирлашган қасаба уюшмаларининг III қурултойи олдидан

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

(Боши ўтган сонда).

АСОС СОЛУВЧИ КОНВЕНЦИЯЛАР

1998 йил 18 июнда ХМТ 86-сессиясида Меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисида ХМТ Декларацияси қабул қилинди. Унга биноан асос солувчи конвенцияларни ратификация қилмаган аъзо давлатлар ҳам, ушбу конвенциялар тамойилларини қўллаш ва татбиқ этишга кўмаклашишлари лозим.

Куйидаги 8 та конвенцияни Халқаро меҳнат бюроси асос солувчи конвенциялар деб ҳисоблайди:

- 1. Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йил Конвенцияси (№29);
2. Бирлашиш эркинлиги ва ташкилот тузиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йил Конвенцияси (№87);
3. Жамоаларга доир музокараларни ташкил этиш ва олиб бориш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йил Конвенцияси (№98);
4. Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги 1957 йил Конвенцияси (№105);
5. Меҳнат ва иш билан таъминлаш соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги 1958 йил Конвенцияси (№111);
6. Энг кам ёш тўғрисидаги 1973 йил Конвенцияси (№138);
7. Жамоаларга доир музокаралар тўғрисидаги 1981 йил Конвенцияси (№154);
8. Болалар меҳнатининг ўта ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йил Конвенцияси (№182);
Декларацияга биноан ушбу асос солувчи конвенцияларни ратификация қила олмайдиган аъзоларга ёрдам бериш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ундовчи муҳитни яратиш учун

аъзо мамлакатларга кўмаклашиш борасида ХМТ томонидан тегишли чоралар қўрилади.

ХМТ экспертларининг фикрича, мазкур Декларация ХМТнинг амалдаги механизмларини такрорлаш ёки тарихий ролини камситишга йўл қўйиб бўлмайди. Декларацияни қабул қилиниши — глобаллашув жараёнига ХМТнинг ўзига хос жавобидир. Устувор иқтисодий тизим ролини даъво қилаётган глобаллашув жараёни, аниқ пайтда фундаментал қадриятларни ҳисобга олган ҳолда тарқалиши лозим, деб ҳисоблайди улар.

1999 йил декабр ойида бўлган маълумотларга кўра МДХ мамлакатлари парламентлари томонидан 8 та асос солувчи Конвенциялардан: Россия, Беларусь, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Украинада - 6 таси, Ўзбекистонда - 5 таси (87-, 138-, 182-лардан ташқари), Молдовада - 4 таси, Арманистонда - 2 таси ратификация қилинган. Қозғистонда биринчи раундда ратификация қилинмаган.

ЯНГИ УФҚЛАР

1999 йил 22 мартда Чили ғужароси Хуан Сомавия Халқаро меҳнат бюросининг янги Бош директори этиб тайинланди. Ўз расмий нутқида у меҳнатнинг асос солувчи ҳуқуқ ва тамойилларини кенг тарқатиш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий музокара ва бандликни - ХМТнинг тўртта узоқ мuddатли устувор мақсадлари сифатида белгиланган берди.

Санояти ривожланган мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни қарор топтириш борасида ХМТнинг оқсак тарихий ролини эътироф этган ҳолда, янги Бош директор XXI асрда дунёнинг барча меҳнаткашлари ривожланиш, ҳуқуқий ҳимоя ва фаровонлик неъматларидан баҳраманд бўлишлари

га эришиш масаласини ташкилотнинг шарафли вазифаси сифатида қўйди.

«Ривожланган мамлакатлар вакилларидан тайинланган биринчи ХМБ Бош директори сифатида, ХМТнинг барча фаолиятида ривожланиш асосий мезон сифатида қабул қилиниши учун ўзининг алоҳида жавобгарлигини таъминлаш» деди Х.Сомавия. Аини пайтда болалар меҳнати, қашшоқлик, жинсий аломатлар бўйича камситиш ва номукамал ижтимоий ҳимоя каби муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ўрнатилган алоқаларни мустақамлаш, бу ташкилотнинг техникавий ёрдамидан фойдаланиш, халқаро меҳнат меъёларини кенг қўллаш учун мустақам ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратиш Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бирига айланмоқда.

Зеро, иқтисодий ривожланишни ижтимоий тараққиёт билан, самарадорликни адолат билан, эркинликни тартиб билан, ўзгаришларни барқарорлик билан мувофиқлаштиришга эришмоғимиз лозим. Бунинг учун жамиятдаги барча гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи мустақил ва демократик ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги мулоқот ва музокараларга таянган ёндовуви амалда қўллаш жуда муҳимдир.

Маҳмуджон ИСАЕВ, Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири. Шухрат ТўЛАҒАНОВ, Ўзбекистон КУФК халқаро ишлар бўлими бош мутахассиси.

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасида геология ва минерал ресурслар бўлимида тадбирда иштирок этган Зарафшон — Нюмонт — Майнинг қўшма корхона раҳбари Гордон Никсон табрик сўзига чиқиб, шундай деди: — Ҳамкорликда ишлашимизда геологларнинг ҳиссаси катта. Шахсан мен уларнинг шарафли, масъулиятли ишларини жуда қадрлайман.

Ер ости бойликлари мамлакат иқтисодиёти тараққиётида муҳим ўрин тутайди ва келажак авлодлар фаровонлигини таъминлайди. Нотик Ўзбекистон геологларини қасб байрами билан муборакбод этиб, Ватан рав-

наки йўлидаги шарафли меҳнатларида улкан зафарлар тилади.

Яна бир қувончли воқеани маълум қилмоқчиман, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат кўмитасининг раиси Нурмухаммад Аҳмедов. — Бугун байрам муносабати билан бир қатор ҳодимларимизга Ўзбекистон Республикаси минерал хом ашё базасини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшганлиги учун «Фахрий кон қидирувчи» унвони берилди.

Унвонларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Валерий Отаев топширди.



Сурхондарёдаги «Ўзмева» савабзавоту музсановат-ҳолдинг» компаниясига қарашли «Улугбек» номли ширкат хўжалиги деҳқонлари экин майдонларидан самарали фойдаланиб келишмоқда. Бу ерда майдонлар ижарачилар ихтиёрига берилгани айниқса яхши самара бераётир.

Оилавий звено етакчиси Эркин Курбонов оралиқ экин сифатида 1,5 гектар майдонга қарам эканди. Аини вақтда у ҳосилни йиғиштириб шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этмоқда. Ҳосилнинг мўллиги шартномадаги 30 тонналик марра ошириб бажарилишидан дарак бермоқда.

Суратда: звено етакчиси Эркин Курбонов бош агроном Абдухалиқ Абдурахмонов ва Марат Мустифуллинлар билан.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Абдумалик Пардаев 1955 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиқ техникумининг муваффақиятли тамомлагач, Наманган вилоятига ишга юборилди. У аввал Уйчи туманидаги хўжалиқнинг бирида ҳосилот, участка бошлиғи бўлиб ишлади. Орадан йиллар ўтиши билан Мирзачўлни ўзлаштириш масаласи кўндаланг қўйилган палларда бола-чақаси билан кўч-кўронини ортиб тўғри Мирзачўлга, ҳозирги Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли жамоа хўжалигига келди. Дастлабки йиллари хўжалиқда бригадир бўлиб ишлади, мамлакат мустақил бўлиб, деҳқон-фермер хўжалиқлари ташкил этилиши билан 1993 йилдан бошлаб ўзи 80 гектар ер олиб фермер хўжалигини ташкил этди.

Дастлабки қийинчиликлар орқанда қолди, дейди Абдумалик Пардаев. Қолаверса, Мирзачўлнинг ҳар бир ғўшаси, ери, суви, тўқайи, чўли, дашти менга таниш. Ҳар йили давлатга белгиланган ҳосилни ортиги билан топшириб тураман. Тирричилигимиз ернинг орқасидан бўлгандан кейин, энг аввало ерга ишлов берамиз. Мана, масалан

ЎЗБЕКИСТОН ЯРМАРКАСИ — ПЕКИНДА

Шу йилнинг апрел ойида Пекин шаҳрида «Ўзбекистон ярмаркаси» қўшма корхонасининг ярмарка майдонларида ўзбек товарларининг дастлабки кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўргазмининг мавзу-экспонатлар режаси ва экспозиция рўйхати тасдиқланди.

«Ўзбек ярмаркаси»да «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбек ипаги», «Ўзماشсаноат» уюшмалари, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акциядорлик жамияти, Фан ва техника Давлат кўмитаси, «Ўзмева» савабзавоту музсановат-ҳолдинг», «Ўзқишлоқхўжалиқ» музсановат-ҳолдинг» компаниялари ва бошқалар ўз маҳсулот ҳамда товарларини намойиш этишди. Улар орасида «Дамас», «Тико», «Нексиа» автомобиллари, юк автомобиллари, микроавтобуслар, сунгити русумдаги «Ил-76», «Ил-76 МФ», «Ил-114-100» каби самолётлар бор. Мармар, гранит, дори-дармон, ип ва пахта газламалари, пойбзал, пилла, ипак газламалар намуналари ҳам айнан шу ердан жой олади.

Ярмаркада «Ўзбекистон ҳамкорликка тақдир этиди» деб номланган фотокўргазма намойиши ҳам режалаштирилган. Мазкур фотокўргазма эркин бозор тамойилларида асосланган конституциявий, ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши жараёни билан таъриф буюрувчиларни таништирилади. Мустақиллик Ўзбекистонга ўз тақдирини ўзи белгилаш, жами табиий ва маъданли хом ашё бойликлари билан, мамлакатнинг жами саложиятидан ҳалқ манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини яратди.

Мамлакатимиз бугунги кунда жаҳоннинг 120 давлати билан ҳамкорлик муносабатида ривожланиб келмоқда. Буюк Британия, Германия, АҚШ, Швейцария, Жанубий Корея, Туркия, Франция, Белия, Россия, Қозғистон, Украина каби давлатлар Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари ҳисобланади. Фотокўргазма Ўзбекистонда

хорижий шериклар билан нефть, тоғ-кон, қимб, озик-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида йирик инвестиция лойиҳалари рўйбга чиқарилаётгани хусусида батафсил хикоя қилади. Унда Шўртан газ-қимб мажмуи, Хўжабод ер ости газ омбори, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг реконструкцияси, Кўнгирот сода заводи, Қизилқум фосфорит заводининг иккинчи навбати, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарлари аэропортлари қурилишлари акс эттирилган. Ўзбекистон санъатининг йирик корхоналари Олмалиқ ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатлари, энгил сановат соҳасида қўшма корхоналар, ўзбек олимларининг илм-фандаги ютуқлари, иқтисодиётнинг аграр сектори тараққиёти, пахта, шол, қорқаёқ, пилла етиштириш каби соҳалардан хикоя қилувчи қизиқарли фотосуратлар мавжуд.

Экспозицияда Хитой Халқ Республикаси билан муносабатлар ривожига алоҳида бўлим ажратилган. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йил мартда ва 1994

йил октябридаги ХХРга расмий ташрифлари мамлакатимизга ХХР раиси Цзян Цзэминнинг 1994 йил апрел ойида қилган жавоб ташрифига икки томонлама муносабатлар ривожини кўришга имкон берди.

Ўзбекистон ҳукумати фармойиши билан «Ўзбек ярмаркаси» Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонасининг Ўзбекистон муассасаларига устив жамғармада назарда тутилган хусусий улушни шакллантириш мақсадида товарларни миллий валютада харид қилиб, уларни ХХРда сотишга рухсат берилган. Республика Товар — хом ашё биржаси, «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзбеки ипаги» уюшмалари «Ўзурилий материаллари» компаниялари Ўзбекистон томонидан қўшма корхона муассислари

ҳисобланган. Хитой томонидан «Шун-Фен» компанияси корхона муассиси сифатида иштирок этади. «Ўзбекистон ярмаркаси» қўшма корхона 500 минг АҚШ доллари устив жамғармаси билан масъулият чекланган жамият сифатида барпо этилган. Бунда Ўзбекистон томонининг улуши 51 фоизи (255 минг АҚШ доллари), Хитой томонининг улуши 49 фоизи (245 минг АҚШ доллари) ташкил этади. «Ўзбекистон ярмаркаси»нинг устив жамғармаси молмулк шаклида, қўшма корхонанинг айланма маблағлари, Ўзбекистондан келтирилган маҳсулот ва товарларни консигнация асосида ХХРда сотишдан шакллантирилади. Қўшма корхонанинг савдо майдонларида анжуманлар, кўргазма ва сайёр ярмаркалар ўтказилади. Бу ерда ўзбек товарларининг мунтазам кўргазмаси ташкил этилади ва Ватанимиз маҳсулотларини ХХР ҳамда қўшни давлатларда сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш кўзда тутилди.

«Туркистон-пресс»

ТАЪМАГИРИЛИК — ТАДБИРКОРЛИККА ҒОВ

дейди Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли жамоа хўжалигидаги фермер Абдумалик Пардаев

ёзда шартномада белгилангандан ортиқча маҳсулотларни бозорга олиб чиқишда, қишда эса гўшт, сут, туҳум ҳарид қиладиган қишлоқликнинг хожатини чиқарамиз. — Лекин... Билмадим, бу гапларни айтса бўладими-йўқми, ҳар ҳолда ёзиб юборсангиз, кимлардир қийин-қистовга олмасмикан... — Бугун фермерга ҳамма мададкор. Кўнгилда борини айтaverинг. — Ўтган йили яқин икки миллион сўмга етадиган даромад қилган эдим, аф-

суки, кейинги пайтда боқимандачилар бироз кўпайиб кетгандай бўлаяпти, улар нафақат менинг, балки барча фермерлар йўлига ғов солишмоқда. — Агар ёдинда бўлса, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида фермерлар, кичик корхоналар, деҳқон хўжалиқлари олдидан айрим сунбий говларни олиб ташлаш ҳақида кўпчилик юрагидаги гапни айтилди, — дейман Абдумаликка.

— У гапларни телевизорда мен ҳам эшитганман, газеталардан ўқидим. — Шундай экан, нимадан чўчипсиз яна? — Биласизми, — дея обдон гапга киришади Абдумалик. — Айрим ташкилотлар борки, улар деҳқонни ҳам, фермерни ҳам, каттаю кичик корхона раҳбарларини ҳам кўз очиргани кўйишмаяпти. Мана масалан менинг ўзим. Ҳар ойда солиқ инспекциясига, туман статистика идорасига, фермерлар уюшмасига, меҳнат биржасига, сугурта идорасига, электр идорасига, туман санитария идорасига, ҳокимиятга, маҳсулот сифати идорасига, бизнес фондага... э, қўйингиз ўн бешдан ортиқ идорага ҳисобот топшираман. Бу идораларнинг айримларига икки-уч формали ахборотлар топшириш керак. Биланкалар камида юз-юз эллик сўм туради. Бу ҳам майли, ўша саналган идораларнинг айримлари фондида камида икки-тўрт минг сўмдан боқимандалик пулини ўтказмасангиз, ҳисоботингиз ҳар қанча тўғри бўлса ҳам қабул қилинмайди. Биласизми, ҳар ойда камида 80-90 минг сўм пулингиз керак-но керак идорадагиларни боқиш учун кетади. — Сиз ўша пулларни ўтказмасангизчи, унда нима бўлади? — сўрайман Абдумаликдан. — О, унда кўрасиз томошани, сизни қадам босишга қўймадилар, электр қуввати узилади, савдо қилишга йўл қўйилмайди, маҳсулотингизни сотиш учун ҳужжат ололмайсиз ва

хоказо... — Бу ердагина эмас, бошқа ерларда ҳам бозорлар борку? — Яхши эсимга солдингиз, масалан мен ҳар йили Ангрэн ва Олмалиқ шаҳарларига қовун олиб бораман. Билсангиз керак, у томонларда қовун тарвузлар камроқ экилади, — дейди Абдумалик зардаси қайнаб. — Оқолтиндан то Ангрэн шаҳрига бир машина қовун олиб бориш учун агар Бекобод томон билан борсангиз саккиз жойда, агар Тошкент томон билан борсангиз, ўн жойдаги ДАН ҳодимлари сизни тўхтатишади... Абдумалик Пардаев кўйини багирди, асослаб гапирди. Мутасадди идоралар тадбиркорнинг адолатли сўзига нима дейишаркин? К.МУМИНОВ.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳақида ҳикоялар

Яқинда қасаба уюшмалари вилоят кенгашида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ғолиблари мукфотлар топирилади. Совриндорлар орасида шахрисабзлик киноижодкор Файрат Пўлатов ҳам бор.

Ҳўш, Файрат бу мукфотга қандай сазовор бўлди? Биз ушбу саҳифамизда тиниб-тинчимас, изланувчан Файрат Пўлатов ҳақида ҳикоя қиламиз.

Файратжонда кино илмига ҳавас мактаб парта-сидаёқ уйғонган эди. Илм даргоҳига кино келтиришди, Файрат киномеханик олдидан парвона бўлар, унга ул-бул юмушда ёрдам қилишга шошилди. Шу боисданми, у ўзи ўқитган мактабининг 8-синфини тугатиб, киномеханикларга шоғирд тушди. Ҳушиёни эса Навоий номли ишчи-ёшлар мактабида давом эттирди.

Ана шу йиллари у ёш техниклар станциясига раҳбарлик ҳам қилди. Шу орада киноҳаваскорлар тўғрисида ташкил топиб, унинг фаолияти тезда барчанинг назарига тушди. Тўғрақ аъзолари ҳадемай 60 нафардан ошди. Энди киноҳаваскорлар шўхрати Шаҳрисабздагина эмас, вилоят, ҳатто республика киноишқибозларига ҳам маълум ва машҳур бўлди. Файратжон ўша йиллари суратга олган «Байрам намоиши», «Амурдари суви», «Қарши қўлида», «Шаҳрисабз обдалари» фильмлари вилоят, республика киноҳаваскорларидан жой олган эди.

Унинг оқ-қора тасмага олган «Шифокорлар», «Кўларим рудда», «Бахт» номли фильмлари ўзига хос мазмун ва моҳияти билан томошабин қалбини ром этди. Бу қисқа мет-

ражлий фильмлар қадим ва навқирон Кеш маданияти, маънавияти, қалби дарё одамлари феъл-атворлари таранум этарди.

Киноҳаваскор Файрат Пўлатов 1985 йилнинг Одесса шаҳрида ўтказилган ҳаваскорлик фильмларининг X фестивалида «Едгор бобо» фильми билан қатнашиб, совриндор бўлди.

Биринчи устозингиз ким? - сўраймиз Файрат Пўлатовдан. — Биласизми, аслида мен сурат олишга жуда қизиқардим. Мактабимизга келиб сурат олиб кетувчи кишиларга ҳавасим келарди. Амаки, сурат олишни ўргатинг, - деб жон-қолига қўямасдим. Бир кунни физика дарсида ўқитувчимиз Рафаэль Таҳаудинов қизиқарли тажриба ўтказди. Шу-шу бўлди-ю кино ола-мига шўнғиб кетдим...

Ҳа, ёшлик орзулари эркин ўш мисол. У ҳар бир умидли кўспиринни парвозга йўллайди. Шу боис бўлса керак, Файрат танлаган йўли уни тубси кенгликларга бошлади. Зехнли, ўқувли ўспириннинг мўъжаз устоҳонаси эрталабдан оқшомга қадар очик тура-

диган, радио, телевизор со-зланадиган файзли масканга айланди. Бу ердан бур-юртмачиларнинг оёғи узил-мас эди...

Файрат аста-секин турли фотоаппаратлар ёрдамида сирли суратлар олиш ма-лакасини эгаллади. Фильм-москопларда киноленталар

жойларда, жумладан, бола-лар орасида ҳам тез-тез бўлиб тураман, бу яқин-ора-да бундайин одоб меҳри билан тўлиб-тошган ёшлар-ни учратмаган эдим...

У киши билан киностудия тарихи, шу студияда Фай-рат Пўлатов ва унинг шо-гирдлари яратган 105 та-қўлда. Уларни ҳар ҳил оқимлар ўз домига олол-майди. Бу эса хайрли, савобли иш. Савобли, хайрли ишни бугун ҳамма ҳам қилапти, деб айтаолмаймиз.

— Шу кунгача қанча кино яратган бўлсам, ҳаммаси-нинг харажатларини ўз ҳисобимдан, ўз ҳаменим-дан тўлаганман - дейди Файратжон — Ҳали орзула-рим бир жаҳон. Шаҳримиз маданияти, маънавияти, миллий удуларимизни жаҳон экранига олиб чи-қиш ниятим йўқ эмас. Ал-батта, бунинг учун шаро-ит, моддий ва маънавий ёрдам керак...

Дарвоқе, Файрат Пўлатов эзгу ишлар олдидан туриб-ди, Унга ёрдам бериш, ижодкорни қўллаб-қувват-лаш давр талаби, ҳурмат-ли Президентимиз давъа-тидир.

Яқинда қасаба уюшма-лари Қашқадарё вилоят Кенгаши биносида «Ўзбе-кистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг Самар-қанд ва Қашқадарё вило-ятлари бўйича ҳудудий республика кўриги бўлиб ўтди. Бу учрашувда ҳам Файрат Пўлатовнинг «Су-малак» ва «Шифобахш кўлар» киноасари ҳайъат аъзолари томонидан оқори баҳоланди. Энди у ана шу танловнинг респу-блика босқичида иштирок-этади.

Изланувчан Файрат Пў-латовга бу беллашувда ҳам омад тилаймиз.

Умид РАҲМОНОВ, қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашининг «Меҳнат ва турмуш» газетаси муҳаррири.

КИНО — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ражлий фильмлар қадим ва навқирон Кеш маданияти, маънавияти, қалби дарё одамлари феъл-атворлари таранум этарди.

Киноҳаваскор Файрат Пўлатов 1985 йилнинг Одесса шаҳрида ўтказилган ҳаваскорлик фильмларининг X фестивалида «Едгор бобо» фильми билан қатнашиб, совриндор бўлди.

Биринчи устозингиз ким? - сўраймиз Файрат Пўлатовдан. — Биласизми, аслида мен сурат олишга жуда қизиқардим. Мактабимизга келиб сурат олиб кетувчи кишиларга ҳавасим келарди. Амаки, сурат олишни ўргатинг, - деб жон-қолига қўямасдим. Бир кунни физика дарсида ўқитувчимиз Рафаэль Таҳаудинов қизиқарли тажриба ўтказди. Шу-шу бўлди-ю кино ола-мига шўнғиб кетдим...

Ҳа, ёшлик орзулари эркин ўш мисол. У ҳар бир умидли кўспиринни парвозга йўллайди. Шу боис бўлса керак, Файрат танлаган йўли уни тубси кенгликларга бошлади. Зехнли, ўқувли ўспириннинг мўъжаз устоҳонаси эрталабдан оқшомга қадар очик тура-

рихий, ҳужжатли фильмлар моҳияти хусусида узоқ суҳ-бат қурдик.

Юзлаб фильмини яратиш, унинг кўпларини жаҳон кино майдонига олиб чиқиш қан-чалик масъулиятли, эмашак-қатли иш эканлигини ижод-корлар, айниқса, кинояра-тувчилар яхши тушунадил-лар...

Файратнинг қадрдон иш-хонасидаги альбомга кўзим тушди. Унинг тари-хидан гувоҳлик берувчи бу китобда халқаро киноҳа-васкорларнинг 60 та кўрик-танловида, Австриянинг Соллертал водийсидаги Майерхофен шаҳрида ўтказилган кино мусобақалари-ни эслатувчи фотосурат-лар, Германия, Аргентина, Москва, Одессадаги кино-ҳаваскорлар анжуманлари-да тасвирга олинган сур-рат-лавҳалар...

Кинофестиваллардан олинган медаллар, турли қимматбаҳо совғалар, фах-рий ёрликлар ҳам унинг иш жаवонини беэза ташлаган-лигининг ўзи катта баҳт, тур-ганмас бойлик.

Шаҳрисабзлик 30 ўспирин ёш унинг қўлида кино олами сир-асорлар-ини ўрганишмоқда. Де-мак, ёшлар ишончи

қилинади. Ватан ҳимоячиси, Зобит каби шарафли касб эгаси бўлиш ниятида юрган ёшларга бу фильм ал-батта манзур бўлади.

Бундан ташқари, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш-да ва улар қалбидан Ватанга муҳаб-бат, миллий ғурур туйғуларини уйғо-тишда ушбу фильм бебаҳо манба бўлиб қолажак.

Сидней Олимпиадаси арасидаги имкониятларимизни Атланта Олимпиадасига таққослайдиган бўлсак, 1995 йилдаги жаҳон чемпи-онатиде биргина боксчимиз Дилшод Ёрбеков кумуш ме-дал билан кифояланган эди. Улардан икита олтин медал боксчиларимизга тегишли. Демак, бу нарса ўсиш ва масъулиятни ошганлигини билдиради.

— Олимпиадачиларимиз сафини кенгайтириш имко-

нияти қачонгача давом эта-ди?

— Аксарият спорт турла-ридан китъамиз чемпионати-дангина Олимпиядага йўлланма олиш имконияти қолди. Яқка кураш турлари-дан эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика кабилардан май ойидаги Осиё чемпионати охириги им-коният ҳисобланади. Шунинг-дек, апрел бошида бокс бўйича Бонгкоқда «Қирол ку-боги» учун кеңадиган халқар-о турнирда Ҳ.Ҳайдаров, Д.Ёрбековлар ўз вазида би-ринчи-иккинчи ўринларни олишса бас. Сузиш бўйича Малайзияда ўтаётган Осиё чемпионати спортчиларимиз учун охириги синовдир. Синх-рон сузишдан Сиднейдаги саралаш баҳслари ҳам ва-килларимиз сонини ортиши-да муҳим аҳамият касб эта-ди. Бу имконият энгил атле-тикачиларимизда айниқса оқори. Ҳозирда улар 11 на-фар бўлиб, сентябргача уларнинг сонини 20 нафарга етказиш мумкин.

Қулибозлик бўйича ўтқа-зиладиган икита саралаш баҳсларида қанда бир на-фар, июл ойида академик эшак-шак эмишдан Швейцари-яда ўтажак саралаш турни-рида икки нафар олимпиа-дачилар ўрнини забот этиш қутилмоқда. Умуман олганда,

«Туркистон-пресс».



Суратда: А.Жўраев шогирдлари даврасида.

Ахмаджон Жўраевни Наманган туманида кат-таё-кичик устоз дея эъзоблайди. Бу бежиз эмас. Йигирма беш йил-дирки Ахмаджон Ёш тех-никлар ижодий маркази-даги ихтирочи тўғрага-га раҳбарлик қилади. Устоз ёрдамида ўқувчи-лар яратган қишлоқ хўжалиги техникаси янги-янги моделлари-нинг саногии йўқ. Энг му-ҳими, бу ерда ҳосил қил-ган кўникма жуда кўпчи-лик учун кейинчалик фа-олият мазмунига айлан-ганлигидир.

Хайрли иш беиз кет-майди деганлари рост экан. Бугун устоз Ахмад-жон Жўраев кўрагини «Шўхрат» медали беэзаб турибди.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

АСРИМИЗ СЎНГИНИНГ СПОРТ ОЛАМИДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАСИ БЎЛИМИШ СИДНЕЙ ОЛИМПИДАСИДА ВАКИЛЛАРИМИЗ ИККИНЧИ БОР ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШАДИ.

Мазълумки, Атлантада ўтказилган Олимпия ўйин-ларида 76 нафар спорт усталаримиз ашиш майдонда ўз бахтини синашга муяссар бўлишганди. Айни чоғда 36 нафар вакилларимиз Сидней Олимпияда-сида бориш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бўлажак мусобақа олдидан спортчилар тийёр-лиги ва уларнинг сафини кенгайтириш имконият-лари ҳақида Миллий Олимпия қўмитаси прези-дентининг спорт маслаҳатчиси Роман Ицков «Тур-кистон-пресс» муҳбирига шундай деди:

СИДНЕЙ ОЛИМПИДАСИ ШАРАФИ

Ушбу мусобақада қат-нашишни ҳар бир спортчи ўзи учун баҳт деб билади. Чўнки, унда спортнинг фақат 40 та тури бўйича Олимпия-да баҳслари олдидан йўлланма берувчи жаҳон, қитъа ва учтадан бештагача бўлган саралаш беллашувлари-да тобланган, сон жиҳат-дан чекланган сара юлдуз-лар кўп синашади. Шу боис, ҳозирги кунгача йўлланма эгаси бўлган 10 та спорт тури бўйича вакилларимиз-нинг тажрибасини ошириш бориш мақсадида фақат юр-тимиздаги тийёргарлик ма-шуғулотлари ва маҳаллий му-собақалар билан чекланма-ямиз. Уларга муносиб ра-қиб саналувчи мамлакатлар-да ўтказилаётган халқаро му-собақаларда ҳам иштирок этиб, тажриба оширишга эътибор қаратаётимиз.

Сидней Олимпиадаси арафасидаги имкониятларимизни Атланта Олимпиадасига таққослайдиган бўлсак, 1995 йилдаги жаҳон чемпи-онатиде биргина боксчимиз Дилшод Ёрбеков кумуш ме-дал билан кифояланган эди. Улардан икита олтин медал боксчиларимизга тегишли. Демак, бу нарса ўсиш ва масъулиятни ошганлигини билдиради.

— Олимпиадачиларимиз сафини кенгайтириш имко-

нияти қачонгача давом эта-ди? — Аксарият спорт турла-ридан китъамиз чемпионати-дангина Олимпиядага йўлланма олиш имконияти қолди. Яқка кураш турлари-дан эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика кабилардан май ойидаги Осиё чемпионати охириги им-коният ҳисобланади. Шунинг-дек, апрел бошида бокс бўйича Бонгкоқда «Қирол ку-боги» учун кеңадиган халқар-о турнирда Ҳ.Ҳайдаров, Д.Ёрбековлар ўз вазида би-ринчи-иккинчи ўринларни олишса бас. Сузиш бўйича Малайзияда ўтаётган Осиё чемпионати спортчиларимиз учун охириги синовдир. Синх-рон сузишдан Сиднейдаги саралаш баҳслари ҳам ва-килларимиз сонини ортиши-да муҳим аҳамият касб эта-ди. Бу имконият энгил атле-тикачиларимизда айниқса оқори. Ҳозирда улар 11 на-фар бўлиб, сентябргача уларнинг сонини 20 нафарга етказиш мумкин.

Қулибозлик бўйича ўтқа-зиладиган икита саралаш баҳсларида қанда бир на-фар, июл ойида академик эшак-шак эмишдан Швейцари-яда ўтажак саралаш турни-рида икки нафар олимпиа-дачилар ўрнини забот этиш қутилмоқда. Умуман олганда,

«Туркистон-пресс».

«САРДОР» Маданият

Ўзбекино Давлат акционерлик компанияси томонидан Республика Мудофаа Вазирлигининг буюртмаси-га биноан 5 қисмдан иборат «Сар-дор» видеофильми суратга олинмо-қда. Фильмга Шавкат Маҳбубов ре-жиссёрлик қилмоқда. Бош ролларни Ёкуб Аҳмедов, Фотих Жалолов, Та-мара Шокирова каби таниқли санъ-аткорлар қатори истеъдоди ёш ак-тёрлар ижро этмоқдалар. Фильмда ҳарбий ватанпарварлик ҳақида ҳикоя



Оламга тик боқиб боқира кўзлар, Шонли истикболдан ҳикоят сўзлар. И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Тошкентлик ихтирочи Владимир Матвеев кўзи ожизлар оламни «кўриш» имкониятини берувчи ноёб ихтиро яратди. Мазкур асбоб кўриш қобилиятидан маҳрум бўлган одамга нафақат тева-рак-атрофи хис этиш, балки ранглари ажрата олиш, ҳаттоки, ҳамсуҳбатининг юз инфодасини ҳам сезиш, шу билан бирга, физик нуқтанга назардан, кўриш қобилиятига тенг бўлган даражада турли ҳодиса ва воқеаларни аниқлаш имконини бера-ди. Асбоб зарур бўлган барча синовлардан ўтқа-зилиб, унинг инсон саломатлигига, айниқса, ёш организмга биологик жиҳатдан мутлақо зарар-сиз экани исботланди.

Мазкур асбобнинг кўзи ожиз болаларни ўқитиш жараёнига ва улар саломатлигини тиклаш тизимига кенг татбиқ этилиши шуб-ҳасиздир, — деди И. Охунбоев номидаги кўзи ожиз болалар маҳсус мактаб-интер-нати ўқитувчиси Содиқ

НОЁБ ИХТИРО

АҚШда ишлаб чиқарил-ганлари электродларни мияга жароҳлик йўли билан ўрнатиш усулида бўлганлиги учун ҳам бизнинг болаларга тўғри келмайди, деган ҳулосага келдик. Япон мутахассислари томонидан яратилган ажратма асбобда элек-троника шўнчалик кўпки, биттасининг ба-ҳоси 1000 АҚШ долла-ридан ортиқроқ тура-ди; ўз-ўзидан аёнки, моддий имкониятлари чекланган одамлар учун бу қимматлик қилади. Ниҳоят, мамлакатимиз-да кенг фойдаланишга мўлжалланган ва ишла-тиш «қулай бўлган ас-боб ихтиро этилди. Ун-дан фойдаланиш ниҳо-ятда осон, унчалик кат-та қувват ҳам талаб эт-майди: иккита батарея ярим йилга етади. Маз-кур асбоб ўқувчиларга график тасвирларни ажрата олиш имконини беради, бу эса ўқув жа-раёнининг янада самар-ли бўлишига кўмак-лашади, — деди суҳ-батдошимиз. — Соғ-лиқни сақлаш вазирли-ги, Халқ таълими ва-зирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Куёш ва Исиклик физикаси институти, Электроника институти мутахассис-лари асбобни синовдан ўтказишда фаол ишти-рок этиб, ихтирога ижобий баҳо бердилар. Бирок, асбобни кенг-миқёсда ишлаб чиқа-риш хусусида гап кет-ганда, ҳозирча ҳеч ким бундай масъулиятни ўз зиммисига олгиси кел-маяпти.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Мазълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсатқичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланиди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Умумий алали 14.002 нусха. Сотува эркин нархда. «Шарк» нашриёт — матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Мазълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсатқичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланиди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Умумий алали 14.002 нусха. Сотува эркин нархда. «Шарк» нашриёт — матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00.